

КУТУБХОНАНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИ



урналимизнинг «Воқеалар» рукни остида Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилиб келинаётган маънавий-маърифий ва адабий-бадий тадбирлар билан таништириб боришни давом этамиз. Бу саҳифамизда 3 чоракда ўтказилган ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, китоб ва фильм тақдимотлари ва бадий кечалар ҳақида маълумотга эга бўласиз.

Август

24 август куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Америка туб аҳолиси рақслари» – («Native Pride Dancers») Америка рақс дастаси иштирокчилари билан «Ҳаёт давомида рақс тушиб» деб номланган ижодий учрашув бўлиб ўтди. Гуруҳ аъзолари барабан зарблари остида рақс тушар экан, ўз рақслари орқали Америка туб аҳолиси ўзлигини, инсонлараро муносабатларини изҳор этдилар, авлоддан-авлодга ўтиб келган бой маданий тарихи-ю, анъаналарни ифода этдилар, Мескуаки элатига оид Сак ва Фокс қабилалари, Шайенн дарёсининг Лакота элати, жанубий Юта, Сиу, Ожибуэ, Дакота, Меномини, Кри, Хо-Чанк, Навахо қабилалари рақсларини ҳамда Ожибуэ қабиласи даволаш рақси, фантастик жанг рақси, майса рақси ва чўл хўрози рақсини ижро этдилар ва мазкур ҳара-

катларнинг маъноси ва рамзларини шарҳладилар.

26 август куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига ва Қатағон қурбонларининг хотирасига бағишланган «Мустақиллик–тоғдек таянчимиз, қудратли заминимиздир» мавзусида адабий-маърифий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда беқиёс аҳамият касб этган, халқ озодлиги йўлида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасига бағишланган ва ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда улкан ҳисса қўшаётган «Ватан» кинофильмидан парча намойиш этилди. Сўнгра фильм ижодкорлари билан суҳбат бўлиб ўтди.

Байрам тантаналари доирасида «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним-Ўзбекистоним!» мавзусида китоб расмли кўргазма бўлиб ўтди. «Ўзбекистон: кеча ва бугун» рукни остидаги китоблар кўргазмаси ўзбек халқининг ҳаётини тубдан ўзгартирган ва ўзлигини англашига замин бўлган мустақилликка эришиш тарихидан, Ўзбекистон Республикасининг ўз ривожланиш ва тараққиёт йўли, ўтказилаётган ислохотлар ва халқ меҳнати, унинг маънавий қадриятлари ва миллий мероси ҳақида ҳикоя қилса, «Ўзбекистон дунё нигоҳи-

Ўзбекистон
Республикаси
мустақиллигининг
24 йиллигига ва
Қатағон
қурбонларининг
хотирасига
бағишланган
«Мустақиллик–
тоғдек таянчимиз,
қудратли
заминимиздир»
мавзусида
адабий-
маърифий
учрашув бўлиб
ўтди





да» мавзусидаги номланган кўргазмада мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, молиявий ва маданий ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилувчи республикамизда ва хорижда нашр қилинган ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, корейс тилларидаги сара китоблар тақдим этилди.

Кўргазманинг «Юксак марраларга интил, тенгдошим!» рукни остида намойиш этилган китоблар юртимизнинг илм эгаллаш баробарида ватан равнақиға ўз ҳиссасини қўшишни мақсад деб билган Ўзбекистоннинг иқтидорли ва салоҳиятли ёш авлоди вакиллари ҳақида ҳикоя қилинади. «Мустақиллик – бу ҳуқуқ демакдир» рукни остида тақдим этилган китоблар фойдаланувчиларни Ўзбекистон Республикасининг демократик жамият қуриш йўлида фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминловчи китоблар билан таништирди. «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!» рукнида аждодларимизнинг ўзбек халқ озодлиги йўлидаги фидойиликлари, оғир йилларда бошдан кечирганлари ҳақида сўзловчи китоблар жамланган.

28 август куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти муаллифлар жамоаси томонидан чоп этилган «Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли лугати» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Тақдимотда бу каби лугатнинг Ўзбекистонда биринчи марта нашр этилаётганлиги, унинг долзарблиги, лугат ўз ичига олган ихтисосликка оид атамалар, касблар, мутахассисликлар, ибора ва тушунчаларнинг қўлланилиш қўламини эътироф этилди. Лугатда атамалар маданият ва санъат соҳасидан ташқари, бошқа соҳалар бўйича ҳам таърифланиб, уларнинг этимологияси, Ўзбекистонга ва ўзбек тили муомаласига кириб келишига доир манбалар ҳам берилган.

Сентябрь

2–5 сентябрь кунлари «Очиқ эшиклар» ҳафталиги бўлиб ўтди. Мазкур тадбирдан

кўзланган мақсад: фойдаланувчиларни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида хизмат кўрсатишдаги кенг имкониятлар билан таништириш эди. Ҳафталик доирасида фойдаланувчиларга кутубхона бўйлаб унинг имкониятлари ва ресурслари билан таништирувчи экскурсиялар, тақдимотлар, илмий-таълимий хорижий электрон базалар, «Илмий ишлар базаси» билан ишлаш бўйича тренинглари ташкил этилди.

Талабалар ва ўқувчилар Миллий кутубхонанинг ахборот ресурсларидан, яъни босма ва электрон нашрлардан ҳамда электрон ва анъанавий (алфавит ва системали) каталог ва картотекалардан фойдаланиш, керакли ресурсларни излаш, букюртмани расмийлаштириш, ААКТ ва КАДАТА дастурларида ишлаш кўникмаси, онлайн хорижий илмий-таълимий маълумотлар базаси имкониятлари, инфокиоск ҳамда интернет ва Wi-Fi хизматларидан фойдаланиш қоидалари билан ҳам танишдилар.

4 сентябр куни Мажлис залда «Мен Ватаним равнақиға ҳисса қўшишни хоҳлайман!» шиори остида Ўзбекистон ХДП Ёшлар қанотининг «Ёш сиёсатчи–2015» республика танловининг якуний босқичи ўтказилди. «Ватаним учун фойда келтирмоқчиман!» шиори остида ўтказилган бу йилги танловда иштирок этган республикамиз шаҳар ва вилоятларидан келган 14 иштирокчи ўз сиёсий билимларини, нотиклик санъатини намоён этиб, ўзларининг долзарб лойиҳалари борасида куч синашдилар.

4 сентябрь куни Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Юртим жамоли» фототанлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мутолаа маданияти даражасини юксалтириш, мамлакат маданий меросини асраб-авайлаш, ахборот-кутубхона соҳасида Интернет имкониятларини ошириш, жамият ҳаётида кутубхоналарнинг ижтимоий-маданий аҳамиятини ошириш

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти муаллифлар жамоаси томонидан чоп этилган «Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли лугати» китобининг тақдими бўлиб ўтди

2–5 сентябрь кунлари «Очиқ эшиклар» ҳафталиги бўлиб ўтди



Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан «Юртим жамоли» фото-танлови эълон қилинди

Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳонов таваллудининг 105 йиллигига бағишланган «Саҳнада яшамоқ керак» мавзусида номланган хотира кечаси бўлиб ўтди

ва кутубхонада ташкил қилинаётган тадбирлар кўламини кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан «Юртим жамоли» фото-танлови эълон қилинган эди.

Фототанлов натижаларига кўра хайъат аъзолари томонидан ғолиблар уч номинация бўйича аниқланди. Ўзбекистон табиати манзаралари номинациясида табиатнинг уйғониши, ўзбек халқи хоҳиш-иродасининг рамзи сифатида ерни ёриб чиққан ниҳол тасвирланган Галина Скопирскаянинг фотосурати ғолиб деб топилди. Ўзбек халқининг анъаналарини, миллий қадриятларини ифодаловчи суратлар номинациясида боболар хунарлари ёш авлод томонидан эъзозланиб, давом эттирилаётгани акс этган Асқар Якубовнинг фотосурати эътироф этилди. Ўзбекистон шаҳарлари номинациясида Татьяна Лещенонинг куёш нурларида товланаётган виқорли масжид сурати ғолиб деб топилди. Ғолиблар Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳонов таваллудининг 105 йиллигига бағишланган «Саҳнада яшамоқ керак» мавзусидаги хотира кечасида Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари, Ш. Бурҳоновнинг оила аъзолари, маслакдошлари, Глиэр номидаги



РИМАЛ ўқувчилари, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабалари ҳамда кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ўзбек сахнасининг жонкуяр ва фидойи актёри хотирасига бўлган эътибори учун миннатдорчилик билдирди ва шогирд сифатида устози ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди. Тадбирда сўзга чиққанлар буюк театр ва кино актёрининг маҳорати, у яратган ҳис-ҳаяжонга тўла, ёрқин образларини, ўзбек киноси ва театрининг дунёга танилишида қўшган улкан ҳиссасини алоҳида эътироф этдилар. Айниқса, Шукур Бурҳонов яратган образлардан ижро этилган парчалар томошабинларга манзур бўлди.

16 сентябрь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир» асари мазмун-моҳияти бўйича маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги учрашув ва анжуманларда билдирган энг





муҳим ғоя ва фикр-мулоҳазалари жамланган, ўзлигимизни эътироф этувчи, эртанги кунимизга ишонч уйғотувчи ва барчамизни теран фикрлашга ундовчи мазкур асарининг моҳияти ва бугунги кундаги долзарб аҳамияти ҳақида сўзладилар. Асарнинг тузилиши, мазмун-моҳияти ҳамда маънавий-маърифий аҳамияти ҳақида гапирар экан, Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти «Ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси профессори С.Олимов, унинг юртдошларимизни ижтимоий ва маърифий фаолликка ундашда маънавият тарғиботчиларига кўмакдошлигини эътироф этди.

Тошкент вилояти Зангиота тумани 53-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий маърифий ишлар бўйича ўринбосари М. Худойназарова асардаги ғояларнинг ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, баркамол шахс бўлиб етишишидаги ўрни ҳақидаги фикрларини баён этди ва ёшларга эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилиш инсон учун олий саодатга эришиш билан баробарлигини таъкидлади. Тадбирда иштирок этган ёшлар ҳам «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» китоби бўйича ўз фикрларини баён этдилар ва унинг ёшлар ҳаётида, уларни юксак билим чўққиларини

эгаллашда ва янги марралар сари интилишларида руҳлантирувчи кучини эътироф этдилар.

18 сентябрь куни мажлислар залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, республика ва халқаро конкурслар лауреати, эстрада кўшиқлари ижрочиси Павел Борисов билан ижодий учрашув ва унинг «Скрипка, нотки, откровенья» китоби тақдироти бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар Павел Борисовнинг машхур шоирлар, бастакорлар ва хонандалар билан ҳамкорлиги, унинг серкира таланти ва ижодий ҳамкорликлари тўғрисидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар. Ижодий кечада мамлакатимиз ташқарисида ҳам ўз ихлосмандларига эга бўлган Павел Борисовнинг адабий маҳорати акс эттирилган, унинг лирик дунёси ва кўнгили кечинмаларини характерловчи «Скрипка, нотки, откровенья» китоби тақдироти билан бир қаторда, муаллифнинг ўзи ижросида шеърлар, кичик насрий асарлари ва кўшиқлари янгради. Кечага ташриф буюрганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ва ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

29 сентябрь куни актёр, режиссёр, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти Олим Хўжаев таваллудининг 105 йиллигига бағишланган «Санъат бўстонида сўнмайди номи» мавзусида хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбир

Тадбирда иштирок этган ёшлар ҳам «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» китоби бўйича ўз фикрларини баён этдилар ва унинг ёшлар ҳаётида, уларни юксак билим чўққиларини эгаллашда ва янги марралар сари интилишларида руҳлантирувчи кучи эканлигини эътироф этдилар

18 сентябрь куни мажлислар залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, республика ва халқаро конкурслар лауреати, эстрада кўшиқлари ижрочиси Павел Борисов билан ижодий учрашув ва унинг «Скрипка, нотки, откровенья» китоби тақдироти бўлиб ўтди





29 сентябрь куни актёр, режиссёр, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти Олим Хўжаев таваллудининг 105 йиллигига бағишланган «Санъат бўстонида сўнмайди номи» мавзусида хотира кечаси бўлиб ўтди

аввалида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан тасвирга олинган «Яхши ном» хужжатли фильмидан парча намойиш этилди. Хотира кечасида сўзга чиққан Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси Ўзбекистон халқ артистлари Яйра Абдуллаева ва Турғун Азизовлар О. Хўжаев яратган образлар, уларнинг ҳозиргача барҳаётлигини ва актёрнинг санъаткор ва жамоат арбоби сифатида ўзбек миллий маданияти равнақиға қўшган ҳиссасини эътироф этди ва шогирд сифатида О.Хўжаевдан олган ўғитлари ҳақида ҳам сўзлаб бердилар.

Устоз ва мураббийлар куни арафасида ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари 21-умумтаълим мактаби ўқувчилари ва ўқитувчиларига театрда йўлга қўйилган «устоз-шогирд» анъаналари ҳақида сўзлаб бердилар. Мазкур мактаб ўқувчиларидан – «Ниҳол» театр дастаси иштирокчилари эса, Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» пьесасидан парча ижро этдилар. Тадбир доирасида Ўзбекистон халқ артисти О. Хўжаев ҳаёти, унинг актёрлик, режиссёрлик ва жамоат ишларидаги фаолиятига бағишланган китоблар кўргазмасида те-

атр дарғаси ҳақида ҳикоя қилувчи хотира китоблари, энциклопедиялар ва журналлар намойиш этилди.

30 сентябрь куни «Инсон, унинг эътиқоди, жамият, коинот: тараққиёти муаммолари ва ҳозирги замон» мавзусида илмий-назарий семинар бўлиб ўтди. Семинарда ҳозирги пайтда глобал миқёсда рўй бераётган табиий-илмий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий жараёнларни онтологик, гносеологик ва маънавий-маърифий нуқтаи назардан фалсафий ва мантиқий таҳлил этиш масалалари муҳокама этилиб, «Тафаккур – инсоният тараққиётининг буюк ҳаракатлантирувчи кучи», «Космология, онтология, гносеология», «Илмий-маънавий мерос ва фалсафа тарихи масалалари», «Инсон ва жамият тараққиётининг долзарб масалалари», «Инсон, унинг эътиқоди, жамият, коинот: тараққиёт муаммолари ва ҳозирги замон» мавзуларида маърузалар тингланди ва фалсафа фанлари доктори профессор Б.Тўраевнинг «Танланган асарлар» китоби тақдимоти бўлиб ўтди.





В статье рассказывается о мероприятиях, проведённых в Национальной библиотеке Узбекистана в третьем квартале текущего года, освещавшиеся на сайте библиотеки. В рамках фестиваля «Шарк тароналари» прошла творческая встреча с участниками американской танцевальной группы «Танцоры коренных народов» (Native Pride Dancers). Сентябрьские мероприятия открыла «Неделя открытых дверей», в рамках которой проводились ознакомительные экскурсии по библиотеке, презентации, знакомящие с возможностями и ресурсами библиотеки, тренинги, обучающие пользованию зарубежными научно-образовательными электронными базами и базой научных работ, а также прошли: финальный тур республиканского конкурса «Молодой политик-2015»; награждение победителей фотоконкурса «Юртим жамоли», посвящённого 24-летию независимости Узбекистана; вечер памяти «На сцене надо жить!», посвящённый 105-летию со дня рождения народного артиста Узбекистана Шукура Бурханова; вечер памяти «Не погаснет его имя в мире искусства», посвящённый 105-летию со дня рождения народного артиста Узбекистана Олима Ходжаева, а также мероприятие, посвящённое содержанию и сущности книги Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йулида хизмат килиш — энг олий саодатдир» и научно-теоретический семинар на тему «Человек, его вера, социум, Вселенная: проблемы развития и современность».

За истёкший период экспонировались фото-книжные выставки, посвящённые таким личностям, как заслуженный художник Узбекистана, народный художник Каракалпакстана, реставратор, этнограф и И.В.Савицкий; учёный востоковед-арабист, профессор А.Э.Шмидт; народный артист Узбекистана, актёр и режиссёр А.Турдиев; народная артистка Узбекистана Т.Жаъфарова; учёный энциклопедист, лекарь и поэт Абу Али ибна Сина; российский востоковед, автор библиографических работ по Средней Азии Н.А.Буров; писатель и драматург С.Абдулла; писатель А.Куприн; учёный математик, академик АН Узбекистана, заслуженный деятель наук Узбекистана Т.А.Саримсаков и др.

В связи с празднованием 24-годовщины независимости Республики Узбекистан прошли выставки под названиями: «Ты неповторим, ты дорог мне, родной мой Узбекистан!», организованная под рубриками «Узбекистан: вчера и сегодня», «Узбекистан в мировом пространстве», «Ровесник, стремись к высоким целям», «Родина не забывает».

На выставках были представлены книги об Узбекистане на узбекском, русском, английском, французском, немецком и корейском языках, изданные в Узбекистане и за рубежом, рассказывающие о политических, финансовых и культурных связях Узбекистана в мире. В рубрике «Ровесник, стремись к высоким целям» были представлены книги, повествующие о талантливом и одарённом молодом поколении, целеустремлённо стремящемся к знаниям и желающем внести свой вклад в развитие и процветание родной страны.

Посетив выставки, пользователи получили много интересной информации о книгах, рассказывающих о становлении Республики Узбекистан, о её прошлом и настоящем, о собственном пути развития, о культурных и национальных ценностях узбекского народа. ■